2009 йил, 26 июнь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 126 (11.437) Баҳоси эркин нархда




## Диққат, танлов!

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини, барча ижодкорларни биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.**

Танловга «Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик тарихан қисқа даври давлатимиз учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси сифатида ўз қадр-қимматини англаб, истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратиб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, ёш авлод онгу шуурига Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини сингдириш сингари мезонлар ҳаётимиздан чуқур ўрин олиб бораётганини, қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўлимиз асосида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини, ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини тараннум этиши, энг муҳими, юртимизнинг жадал тараққиётини, халқимизнинг фаровон ҳаётини, диёримизнинг бутун дунёда обрў-эътибори тобора юксалаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– *ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;*
– *босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;*
– *телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;*
– *тасвирий санъат асарлари;*
– *кино санъати асарлари.*

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

– *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
– *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
– *иш жойидан тавсиянома;*
– *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.*

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2009 йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61; 244-11-64;**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент 2200

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда ноширлик ва матбаачилик соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаётимизга янги замонавий компьютерлар ва ахборот технологиялари кириб келмоқда.**



## МАТБААМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Натижада китоб, газета ва журналларни чоп этиш билан боғлиқ жараёнларда кескин ўзгаришлар юз бермоқда.

Маълумки, бугунги кунда ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиш қийин. Матбуот — бу ҳаётимиз кўзгуси саналади. Биз ҳозирда ахборот асрида яшамоқдамиз.Воқеалар шиддат билан кечмоқда. Мана шу воқеликлар, ҳаётимиздаги янгиликлар, ўзгаришларни ўз вақтида теран таҳлил қилиб, халққа етказишда маърифатпарвар тарғиботчилар, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳиссаси беқиёсдир. Жумладан, пойтахтимизда матбаачилик соҳасида энг кўзга кўринган, кўп йиллик тарихга эга «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва у ерда фаолият кўрсатаётган ўз касбининг усталари, заҳматкаш матбаачилар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Айни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида мазкур акциядорлик компаниясининг газета ва журналларни чоп этиш мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ишчи-хизматчиларнинг қизғин иш жараёнларини кузатдик.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бўлгани каби матбаа соҳасининг ҳам ўзига хос заҳматлари бор. Ҳар кунги газета ва журналларни ўз вақтида чоп этиб, матбаа дўконларига ва газетхонларга етказишда матбаа ходимларининг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Бугунги кунда ушбу мажмуада 70 га яқин номда газета, 20 дан ортиқ журналлар ва булардан ташқари мактаб ўқувчилари учун 21 номда (улар орасида 6 та қардош тилларда ) ўқув дарсликлари чоп этилиб, жами 200 га яқин матбаа ходими ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Буни албатта марказий нашрларнинг сифати ва замонавий кўринишига қараб сезиш мумкин.

— Ҳозирги кунда мажмуада газета ва журналларни чиройли ва сифатли чоп этишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди газета мажмуаси бошлиғи Ҳабибулла Турсунов. — Бу ерда газеталарни чоп этишга мўлжалланган, Ҳиндистондан келтирилган «Ориент супер» ва «Стар» номдаги замонавий дастгоҳларда газета ва журналлар сифатли ҳамда рангли тарзда босилмоқда. Шуни таъкидлаш ўринлики, мажмуада бир кунда 70 га яқин номда газета ва журналлар босмадан чиқади. «Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Маърифат», «Туркистон», «Биржа», «Инсон ва қонун» ва бошқа газеталар ҳамда «Саодат», «Санам», «Муштум», «Таълим тараққиёти», «Бошланғич таълим», «Ҳидоят», «Саховат» сингари журналлар шулар жумласидандир. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти» сингари газеталарнинг рангли нашри газетхонлар эътиборини тортмоқда. Бу албатта мажмуада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга янада масъулият юклайди. Негаки, оқ-қорага нисбатан рангли нашрларни босмага тайёрлаш жараёни ўзига яраша масъулиятни, диққат-эътиборни талаб қилади.Айни дамда рангли газеталарга талаб кучайгани боис келгусида энг сўнгги русумдаги компьютерлашган замонавий технологиялар асосидаги дастгоҳлар келтириб ўрнатишни режалаштирмоқдамиз.

Дарҳақиқат, мажмуада бўлганимизда, ишчи-хизматчиларнинг дастгоҳлар ёнида бутун диққат-эътиборни газетани чоп этиш жараёнига қаратган ҳолда, суратлар рангига, сарлавҳаларнинг ўз ўрнида чиройли чиқишига синчковлик билан аҳамият қаратаётганларининг гувоҳи бўлдик. Мажмуада газета-журналларни тарқатиш цехи мавжуд бўлиб, уларни жойларга ўз вақтида етказиб беришга муҳим эътибор қаратилган. Ушбу масканда икки сменада туну кун даврий нашрлар ҳамда китобларни ўз вақтида сифатли чоп этишда кўп йиллик тажрибага эга, ўз касбининг жонкуяри бўлган ишчи-хизматчиларнинг муносиб ҳиссалари бор. Шеродил Саидов, Тўлқин Тошматов, Қутбиддин Мансуров, Баҳодир Ўзбеков, Беҳзод Атҳамов, Абдумалик Маҳмудов, Иброҳим Эргашев, Назрулла Ҳамроев, Умирбек Улашов сингари юқори малакага эга бўлган ишчи-хизматчилар бугунги кунда ёшларга устозлик қилишмоқда.

Айни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида биз ҳам мазкур жамоанинг ишчи-хизматчиларини касб байрамлари билан муборакбод этиб, уларга соғлик-омонлик,оилавий бахт, миллий матбуотимиз ривожи ва юрт равнақи йўлидаги самарали меҳнатларида омадлар тилаб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета ва журналларни чоп этиш мажмуаси фаолиятидан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

**Германия пойтахтида 2009 йилнинг Ўзбекистонда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ҳамда юртимизнинг туристик салоҳиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. «Фридрихсфельд-Зюд» маданият марказида ўтган тадбир мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси кўмагида «Лихтенберг маданий жамияти» томонидан ташкил этилди.**

Унда Берлиннинг Лихтенберг тумани маъмурияти, шаҳар жамоатчилиги, ишбилармон доиралар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Кечани очар экан, «Лихтенберг маданий жамияти» раҳбари Д.Клуге хоним ушбу тадбир Ўзбекистоннинг ҳар томонлама юксак салоҳиятини намойиш этиб, мамлакатнинг ҳозирги кундаги ҳаёти, тараққиёт йўли, унда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятини беришини қайд этди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатнинг иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, инфратузилмани такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги ислоҳотлар, қишлоқ ҳудуди аҳолисининг манфаатларини таъминлаш, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Бундан ташқари, иштирокчиларга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққан Германиянинг «Lernidee Erlebnis Reisen Gmbh» туристик компанияси раҳбари Р.Эрбингер Ўзбекистонда ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида турист сифатида бўлгани ҳақида гапирди.

— У пайтда мамлакатдаги сайёҳлик инфратузилмаси анчагина чегараланган эди, — дейди бизнесмен. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, жумладан, мамлакатда кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад кўтарди, соҳа инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бетакрор тарихий-маданий ёдгорликлар мамлакатга келаётган туристлар оқимининг ўсиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз. Бунга иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонга ошиқаётган немис сайёҳларининг сони мунтазам ортиб бораётгани далил бўлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистоннинг қадимги ва тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳавола этилиб, мамлакатимизнинг қадимги шаҳарларига бағишланган фотосуратлар ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

**«Жаҳон» АА, Берлин**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎТГАН** куни Тошкент эстрада-цирк коллежида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЎТГАН** куни Юнусобод туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан тумандаги тиббиёт муассасалари ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этиш масалаларига бағишланди.

✓ **КЕЧА** Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиалида 26 июнь — Халқаро гиёвандликка қарши кураш куни муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида нарколог шифокорлар, шаҳар даволаш-профилактика муассасалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

✓ **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида Республика Ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида техник тўгараклар қатнашчилари томонидан тайёрланган техник ижодиёт намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида таълим жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритишга алоҳида ҳисса қўшган журналистлар иштирокида анжуман ўтказилди.

● Гулистон шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-кенгаш уюштирилди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Паркент туманида «Она сути — меҳр булоғи» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Мазкур тадбир аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан турли жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни тарғиб қилиш мақсадида уюштирилди.

● Элликқалъа туманида Жаҳон банки гранти асосида иш бошлаган «Ёдгорлик-Бўстон» масъулияти чекланган жамиятида атлас, шойи ва адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонанинг иш бошлаши 26 нафар хотин-қизнинг ишли бўлишига имкон яратди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач эса, яна 153 та янги иш ўрни ташкил этилади.

● Нуробод туманидаги Нурбулоқ қишлоғида ғишт ишлаб чиқарувчи «Нурли Нурафшон тонг жамоли» хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда йилига 2 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш имконияти мавжуд.

● Пешку туманидаги Искомгазе қишлоғида «Элбек» фермер хўжалиги раҳбари Ў.Элов ташаббуси билан замонавий сервис хизмати мажмуаси барпо этилди. Мажмуа таркибида тўйхона, новвойхона, савдо дўконлари, ошхона ва автомобилларга техник хизмати кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Янги мажмуанинг очилиши муносабати билан 20 киши иш билан таъминланди.

### ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Президенти Б.Медведевнинг кеча Намибияга уюштирган ташрифи давомида ҳар икки мамлакат ўртасида бир нечта йирик лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан битимлар имзоланди.

● Швеция Европа Иттифоқининг бўлғуси раҳбари сифатида Туркиянинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши юзасидан музокараларни фаоллаштирмоқда.

● Кеча Санкт-Петербургда халқаро ҳарбий-денгиз салони ўз ишини бошлади. Мазкур нуфузли салонда 28 мамлакатнинг 350 та компанияси ўзининг энг янги ишланмаларини намойиш этмоқда. Халқаро ҳарбий-денгиз салони 28 июнга қадар давом этади.

● Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди.

● Ингушетияда амалга оширилган махсус операция чоғида кўплаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси ходимларининг ўлдирилишига алоқадор уч нафар жангари йўқ қилинди.

● Дрезден шаҳри ЮНИСЕФнинг Бутунжаҳон маданият мероси сифатидаги шаҳарлар рўйхатидан чиқарилди.

● 8 миллиард долларлик пирамидани ташкил этиб кўпчилик кишиларнинг маблағини ўзлаштирганликда айбланаётган техаслик миллиардер А.Стэнфорд ўз айбларини рад этди.

● Чехия ва Австрияда бир неча кундан бери тинимсиз ёғаётган ёмғир катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Чехияда рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, мамлакатнинг шимолий қисмида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Австриянинг машҳур Альбертина музейидан эса минглаб ноёб суратлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Ёмғирларнинг яна бир неча кун давом этиши айтилмоқда.

● Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган футбол бўйича нуфузли Конфедерация кубогининг ярим финалида кеча Бразилия терма жамоаси майдон эгаларини 1:0 ҳисобида енгган ҳолда ҳал қилувчи беллашувга йўлланма олди.




## Дам олиш соатларида

# ЮРАГИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Ҳар қандай ҳаракат ёки жисмоний фаоллик юрак мускулларини тезроқ қисқаришга мажбур қилади ва шу йўл билан организмда қон айланиши ва моддалар алмашинуви жараёнларини жадаллаштиради. Албатта, бу — юракка муайян юк билан таъсир этишни англатади. Динамик юк (яъни ҳаракатдан тушадиган юк – оғирлик) қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин, — дея ҳикоя қилади тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов:

1. **Енгил юк** (масалан, юришдаги енгил зўриқиш) тушишида мускулларга кўпроқ кислород керак бўлади ва шу туфайли юрак фаолроқ қисқаради, моддалар алмашинуви, буйрак усти ва қалқонсимон безлар иши тезлашади. Натижада углеводлар тезроқ "ёнади", организм эса, юракка тушаётган юкка жавобан артериал қон босимини пасайтирувчи механизмни ишга солади. Мускуллар ишлар экан, қонни томирларга ёйишда юракка ёрдам беради.

2. **Ўртача юк** – масалан, эрталабки бадантарбия ёки жисмоний машқлар. Бунинг учун организмга (юришдагидек) углеводлар ёнишидангина ажраладиган кислородларгина эмас, балки машқлардан тахминан 20 дақиқалардан кейин ёғ заҳираларидан ажраладиган кислород ҳам керак бўлади. Қон босимининг ошиши ва томир уришининг тезлашиши юракни чиниқтиради. Лекин бунда жисмоний юк ортиқча бўлмаслиги – яъни зўриқишга йўл қўймасликка эътиборни қаратиш керак. Шу жараёнда организмнинг ҳимоя реакциялари ишга тушади.

3. **Бажариладиган машқларнинг тезлиги ва қанча давом этиши билан боғлиқ жўшқин ҳаракатлар юки.** Бунда озиш ва ортиқча холестериндан халос бўлиш учун машқлар камида 20 дақиқа давом этиши лозим. Фаол ҳаракатлар давомийлиги юракнинг чиниқиш даражаси, кишининг ёши ва саломатлигига боғлиқ.

Юракка тушадиган юкнинг муайян чегараси бўлиб, шундан кейин у кислородни қабул қила олмай қолади ва бунинг оқибатида юрак, томирлар емирилади, моддалар алмашинуви бузилади.

Хаста юракларни озгина бўлса ҳам зўриқтириш мутлақо мумкин эмас. Озгина юк ҳам юракни қаттиқ ишлашга мажбур қилади ва қуйидаги нохушликларни келтириб чиқариши мумкин:

— кислородга эҳтиёжни кескин ошириб, томирларда қон ҳаракатининг бузилишига олиб келади;

— адреналин гормонининг қаттиқ отилиб чиқиши ва шу туфайли буйрак усти безлари ишининг бузилишига сабаб бўлади;

— қонда қанд моддаси ва холестерин миқдорини оширади;

— қон босимини ошириб, томирларни зўриқтиради;

— ички аъзолар иши бузилиб, вегетатив тизим ишдан чиқади.

Юракка энг матлуб юк тушишини аниқлаш учун томир уриши – юрак қисқариши тезлиги (бунда энг кўп миқдорда кислород талаб қилинади) кўрсаткичидан фойдаланилади.

Ҳисоб-китоблар учун оддий формула: 220 – (айирув) одамнинг ёши, формуласи қўлланилади. Юракни чиниқтириш учун энг матлуб юк томир уришининг юқори кўрсаткичи – максимал кўрсаткичнинг 75 ёки 85 фоизига тенг бўлиши лозим. Юрагида муаммоси бўлган кишилар томир уриши миқдори – 220 дан одам ёшини айириб ташлаб, қолган соннинг 0,75 қисмига тенг шароитда машқ қилишлари керак.

Шунингдек, юракнинг юкни кўтариш даражаси унинг толиқиш даражасига қараб ҳам белгиланади:

1.Енгил толиқиш – юзнинг озроқ қизариши, сал терлаш, бир текис нафас олиш, ҳаракатларни тўғри бажариш, организмнинг нормал ҳолати (шикоят йўқ).

2.Ўртача толиқиш – юз қаттиқ қизаради, кўп тер чиқади, нафас оғиздан олинади, ҳаракатлар текислиги бир оз бузилади, ҳарсиллаш ва томир уриши тезлашиши кузатилади.

3. Қаттиқ толиқиш – бадан терилари қирмизи рангга киради, лаблар кўкариб-оқаради, бутун тана бўйлаб тер оқади, нафас нотекис ва оғиздан олинади, ҳаракатлар бошқарилиши ёмонлашади, кўнгил айниши, бош оғриғи, бош айланиши бошланади.

Юқоридаги ҳолатга етиб бормаслик ва юракка энг матлуб бўлган юк (зўриқиш) даражасини аниқлаш учун уч дақиқалик машқлардан (масалан, 20 марта ўтириб-туришдан) кейин томир уришини ўлчаш керак бўлади. Агар тезлик 35–50 фоизга ошган бўлса – зўриқиш енгил, 50–70 фоизга ошса – ўртача ва 70-90 фоизга ошса – қаттиқ зўриқиш юз берган ҳисобланади.

Юракни чиниқтирувчи машқ дастурларини аниқлашда зўриқишнинг энг юқори ва "силлиқ" нуқталарини аниқлаш муҳим. Силлиқ машқлар дастурида томир уриши фақат 50-70 фоизга тезлашади, у энг юқори кўрсаткич билан навбатма-навбат алмашиб туриши керак бўлади – яъни бунда юрак одатдагидан 70-95 фоиз юқори тезликдан пастга тушиб туриши лозим. Мабодо, 3-5 дақиқа давомида томир уриши нормага тушмаса, бу ҳолат юрак ортиқча зўриқтирилаётганини англатади. Демак, машқлар дастури шунга мутаносиб ўзгартирилиши талаб этилади.

## Спорт оламида

# ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ТЕНГЛАШТИРИЛДИ

Олимпиада ва Паралимпиада ўйинларининг тенгҳуқуқлилиги таъминланди. REGNUM ахборот агентлигининг хабар қилишича, 2014 йилда Сочида XXII Қишки Олимпиада ўйинлари ҳамда XI Паралимпиада ўйинлари ташкил этилиши ва ўтказилиши муносабати билан Россия Федерациясининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва улар Федерация Кенгашининг мажлисида маъқулланган.

Қонунда Олимпиада ва Паралимпиада ўйинларининг хорижий ташкилотчилари тушунчасига аниқлик киритилади ва уни, фаолияти Халқаро Паралимпиада Қўмитаси бевосита ёки билвосита қатнашадиган ёхуд шу қўмита томонидан назорат қилинадиган ташкилотлар билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, Олимпиада ва Паралимпиада ўйинлари ташкил этилиши муносабати билан хорижлик фуқароларнинг Россия ҳудудига кириши ва чиқиши тартиби ҳам аниқланмоқда. Ҳозирда кириш ҳужжати сифатида Халқаро Олимпиада қўмитасининг ёки "Сочи-2014" Ташкилий қўмитасининг шахсий гувоҳномалари амал қилади. Бироқ, на ХОҚ ва на Халқаро Паралимпиада Қўмитаси Паралимпиада ўйинларида Олимпиада рамзларидан фойдаланишга рухсат этишмайди. Шунинг учун ҳам Паралимпиада ўйинларини Олимпиада ўйинларига тенглаштирувчи қонун лойиҳасига Халқаро паралимпиада қўмитаси ёки "Сочи-2014" Ташкилий қўмитаси томонидан бериладиган Паралимпиада ўйинлари шахсий гувоҳномаси тушунчаси киритилган.

# ЭНГ ОМАДЛИ СПРИНТЕР



Laureus спорт соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бири бўлиб, уни "Спорт Оскари" деб аташади. Пекин Олимпиадаси қаҳрамони ямайкалик спринтер Усейн Болт 2008 йилнинг энг яхши спортчиси деб топилди. Олий мукофот учун баҳсларда у сузиш устаси Майкл Фелпс, теннисчи Рафаэль Надаль, "Формула-1" пойгачиси Льюис Хэмильтон, мотопойгачи Валентино Росси ва тўпсурар Криштиану Роналду каби машҳур спортчиларни ортда қолдирди.

Албатта бунга эришиш йўли жуда машаққатли, аммо ғоят шарафли эди. Болт Пекинда бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлган: у 100 ва 200 метрга, шунингдек, 4х100 метрга эстафетали югуришда ғолибликни қўлга киритганди.

"Мен бахтиёрман, Роже Федерер, Михаэль Шумахер, Лэнс Армстронг ва Тайгер Вудс каби жаҳоннинг энг буюк спортчилари билан бир сафда туриш мен учун катта шараф", - деди Болт.

22 яшар спринтерга мукофотни Laureus академияси аъзолари Майкл Жонсон ва Эдвин Мозеслар Торонтода топширишди. Енгил атлетиканинг афсонавий қаҳрамони Жонсоннинг айтишича, Олимпиадада ямайкаликнинг 100 метрга югуриши – "бу спринтдаги энг буюк чиқишлардан бири бўлиб", бунақасини у ҳеч қачон кўрмаган.

Бир омад келса – қўш келади, деганларидай, Остравада ўтказиладиган Гран-при ташкилотчилари жаҳон рекордини ўрнатиш учун уч карра Олимпиада чемпиони Усейн Болтга 100 минг долларлик пул мукофотини таклиф этишди. 100 метрга югуриш бўйича мутлақ олий жаҳон кўрсаткичи ўтган йили Пекинда Болт томонидан ўрнатилган бўлиб, у 9,69 сонияга тенгдир.

# ҚУВАЙТ ХОҚДАН ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН

Агар мазкур араб республикаси қонунлари спорт ташкилотларига автономия мақомини кафолатламаса, Қувайт олимпия қўмитаси Халқаро Олимпиада Қўмитаси (ХОҚ) аъзолигидан чиқарилиши мумкин. ХОҚ расмий сайти маълум қилишича, маҳаллий олимпия қўмитаси мустақил фаолият юритиши ечимини топиш учун Қувайтга икки йиллик муддат берилганди. Бироқ, шу вақт мобайнида ҳеч қандай олдинга силжиш юз бермаган.

ХОҚ ижроия қўмитаси ушбу мамлакатда олимпия ҳаракатини давлат органлари аралашувидан ҳимоя қилиш учун Қувайт олимпия қўмитаси фаолиятини шу йилнинг 1 августигача тўхтатиб туришга қарор қилди", — дейилади Халқаро Олимпиада Қўмитаси баёнотида.



## Илм-фан янгиликлари

# ОЛИМЛАР БАХТ НИМАЛИГИНИ АНИҚЛАШДИ

"Новости" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Гарвард университети олимлари 72 йиллик тадқиқотлари асосида бахт нималигини таърифлаб беришди. Маълумотли, мустаҳкам оилали ва мустаҳкам ижтимоий алоқаларга эга бўлган кишилар ўзларини бахтли ҳисоблашади. Кам миқдорда бўлса ҳам жисмоний машқларга асосланган соғлом турмуш тарзи, шунингдек, чекиш, алкоголли ичимликларни суиистеъмол қилишдек зарарли одатлардан холи бўлиш бахтиёрлик ҳиссини оширади.

Вазннинг нормал ҳолатда бўлиши инқирозли вазиятларга мослашишдан ҳам муҳимроқ бўлган бахтиёрлик шартларидан биридир, деб ҳисоблашади Гарвард университети олимлари. Пул ҳам, шон-шуҳрат ҳам, чирой ҳам бахтиёрлик ҳиссини кафолатлай олмайди, деб ёзади Journal of Research in Personality Гарвард натижаларини тасдиқлаб.

Икки нуфузли университетларни битириб чиққан 150 киши тақдирлари бўйича ўтказилган таҳлиллар анчагина шуҳрат орттирган, жамиятда нуфузли мавқега эга бўлган ва моддий бойликка эга бўлган кишилар ўзларига қараганда анча омадсиз ҳисобланган курсдошларига қараганда ҳаётдан кўпроқ қониқмас эканлар ва депрессия ҳолатларига кўпроқ мойил бўларканлар.

Ўз олдиларига жуда баландпарвоз мансаб мақсадларини қўймасалар-да, мустаҳкам ижтимоий илдизларга эга бўлган – яъни яхши оила ва ишончли дўстлари кўп кишилар ўзларини бахтлироқ ҳис этишлари ҳам исботланди.

## Марсда ҳаёт бор!

# МАРСЛИКЛАР ЯШИРИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖОЙ ТОПИЛДИ!

Қуёш тизимида юксак тоғлик ва энг катта вулқон ҳисобланган Марсдаги Олимп тоғи астрофизикларни жиддий қизиқтириб келмоқда. Янги тадқиқотларнинг кўрсатишича, шу тоғ остида ҳарорати вулқон фаолияти билан бир маромда сақлаб туриладиган суюқлик ҳолатидаги сув яшириниб ётган бўлиши мумкин.

Олимп тоғи илк бор XIX асрда бир йўла бир неча астрономлар томонидан кашф этилган, лекин фақат 1972 йилигина Mariner 9 фазовий аппарати вулқон фотосуратларини Ерга узатганди. Олимпнинг баландлиги 27 километрга бўй чўзган бўлиб, сайёралар атмосфераларидан жуда узоқ баландликка кўтарилгандир. Олимп ва Тарсис минтақасининг бошқа тоғлари чанг бўронлари зонасидан баландда жойлашган бўлиб, аниқ кўриниб туради.

"Ҳозирги вақтда Олимп сўнган вулқони тирик организмларни излашнинг энг истиқболли маконларидир, — дейди Хьюстондаги Ой ва сайёралар институти тадқиқот ишлари раҳбари Патрик Мак Гован. – Тахмин қилишимизча, у ерда етарли даражада иссиқлик ва намлик мавжуд, харсанглар қатлами эса, Марс юзасида иқлимий ўзгаришлардан ишончли ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилади".

Олимпнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг носимметриклиги, нотекислигидир. Тоғ остида сув мавжудлиги назарияси шундай нотекисликка ишончли сабаб бўла олади. Агар тоғнинг қарама-қарши томонидаги ерларда турли нисбатлардаги лой-тупроқ кузатилади, деб тахмин қилинса, лой сув учун ажойиб омбор бўлиб хизмат қилади. Лойнинг мавжудлиги Mars Express фазовий аппарати томонидан исботланган.

Пойдевори лойга таянган шунга ўхшаш вулқонларни Ерда ҳам кузатиш мумкин. Гавай оролларини ташкил этувчи қалқонсимон вулқонларни ҳамда сайёрамиздаги энг улкан тоғ ҳисобланган Муан-Кеа вулқонини улар сирасига киритиш мумкин. Олимп тубидаги шароитлар тахминан ерда ҳаёт пайдо бўлган шароитларга яқин – у ерлар илиқ, қоронғи ва намликдан иборат.

"Сайёрамиздаги кўплаб энг содда ҳаёт формалари иссиқни яхши кўради,— дейди геохимик Женнифер Блэнк. — Улар чуқур ер тагида яшашади ва ёруғликнинг уларга кераги йўқ". Марсдаги бошқа тадқиқотлар ҳам қизил сайёрада ҳаёт борлигини исботловчи кўплаб далилларни берди. Жумладан, шу йил январида Марс юзасидан отилган метан моддаси аниқланди. Бу эса, микробиологик фаоллик мавжудлигидан далолатдир.

# ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

АҚШ даги президент сайловлари чоғида бир йўла уч номзод ниҳоят номаълум учувчи жисм (НУЖ) лар масаласини ойдинлаштиришга ва ҳатто фазодан келадиган тажовузларга зарба бериш учун тайёргарлик кўришга ваъда беришганди. Номзодлар курашида ғолиб чиққан Барак Обамагина бу борада ўзини босиқ тутганди. Бироқ, сайловчилар айнан унинг маъмуриятига алоҳида умид боғлашмоқда. Зеро, ҳозирги давлат котиби Хиллари Клинтон ўзга сайёраликларга қизиқиши билан ном чиқарган.



Унинг ўзи бир неча бор ўзга сайёраликлар ҳақида бутун ҳақиқатни билишни исташини баён қилганди. Шу маънода британияликлар ҳам ундан қолишмайдилар. Буюк Британия консерваторлар партияси етакчиси Дэвид Камерон, агар уни бош вазир қилиб сайлашса, ҳукуматнинг НУЖлар ва ердан ташқаридаги цивилизациялар тўғрисидаги масалаларни сир тутишига чек қўйишга ваъда берган.

42 ёшли сиёсатдон Тайнмутда сўзга чиқаркан, ҳукумат "бошқача ҳаёт шакллари бўйича ахборотларнинг кенг ошкоралиги масаласида очиқ ва самимий бўлади. Шунинг учун ҳам мудофаа вазирлиги уфологик ҳужжатларни ошкор қилишни бошлаб юборди. Билдиргилар билан тўла ва гувоҳлар исмлари ўчирилган дастлабки папкалар Интернет орқали тарқатилди", деб ишонтирган.

**Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.**

## Кино шинавандалари эътиборига

# КИАНУ РИВЗ — ДОКТОР ЖЕКИЛ РОЛИДА

Киану Ривз Роберт Стивенсоннинг машҳур «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғалати қиссаси" асарининг замонавий талқинида бош ролни ўйнайди. Маълумки, Стивенсоннинг мазкур асари кўп марта экранлаштирилган. Сўнгги уриниш 2006 йили амалга оширилганди.1996 йили "Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғалати қиссаси" асари асосида "Мэри Рейли" фильми экранларга чиқарилганди. Унда бош ролларни Жон Малкович ва Жулия Робертс ижро этишганди.

Энди Киану ўзида икки хил хислат – эзгулик ва ёвузликни мужассамлаштирган ҳамда кейингиси Жекилни ўз измига солган Генри Жекил қиёфасини ўзига чуқур сингдириб олиши керак бўлади. Фильм сценарийсини ёзиш «Ўзгаришлар йўли" картинаси сюжетининг муаллифи Жастин Хэйтга топширилган. Фильмнинг тахминий номи "Жекил" деб аталмоқда. Режиссёр курсисини Николас Рефн эгаллаши эҳтимоли кўпроқ, деб ёзади Лента.ру.

# ЖЕЙМС БОНДНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Британия жосуси Жеймс Бонд ҳақидаги жангари фильмлар неча ўн йилликлардан бери томошабинлар орасида катта шуҳрат қозониб келаётгани маълум. Бу туркумдаги кино асарларини одатда сабрсизлик билан кутишади. Шунинг учун фақат бош роль ижрочисинигина эмас, унинг экрандаги шерикларини танлашга ҳам жуда қаттиқ синчковлик билан ёндошилади.

Чунончи, туркумнинг янги фильми – "Шафқат кванти"да Жеймс Бонд ролини Дэниел Крейг ўйнаши керак. Тахминларга қараганда, Бонднинг навбатдаги маъшуқаси ролига даъвогарлар орасидан 40 ёшли актриса Женнифер Эннистон танлаб олинади.

Бонд ҳақидаги фильмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи EON компаниясидан маълум қилишларича, Женниферда кино ижодкорлари кўришни истаган барча фазилатлар мавжуд. Жумладан, унинг гўзал ва айни пайтда фаҳм-фаросатда ўткир бўлиши талаб этилади. Яна унинг юксак жисмоний тайёргарликка эга бўлиши, Бонд тўғрисидаги фильм талаб этадиган барча хил жанг ва олишувлар билан боғлиқ жўшқин хатти-ҳаракатларга чидаб бериши лозим. Афтидан, Женниферни яқин орада продюсерлар – Барбара Брокколи ва Ж. Уилсонлар билан учрашувга таклиф этишади.

# БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Бизнесмен бир гуруҳ хорижлик меҳмонлар билан кириб келиб, котибасига буюради:

— Инобатхон, менга чой, анави учта эчкига кофе тайёрлаб беринг!

Гуруҳдагилардан бири:

— Кофе – икки эчкига, мен таржимонман...

* * *

— Доктор, тез озиш учун менга ўткир дори керак!

— Бунинг ҳеч қийинлиги йўқ, мен сизга кўмир ёзиб бераман.

— Кукуниними ёки таблеткасиними?

— Кондан қазиб чиқарилганини. Вагондан кўмир туширасиз!

* * *

Эгизак қизлар скамейкада гаплашиб ўтиришибди. Қизлардан бири:

— Кўзингизга қўшалоқ бўлиб кўринаётгандай бўляпмизми? Қўрқманг, биз эгизакларимиз ва бир-биримизга қуйиб қўйгандай ўхшаймиз.

Ширакайф эркак кўзлари чиқиб кетгудай анграйиб сўрайди:

— Наҳотки тўртталангиз ҳам эгизак бўлсаларинг!?

## Танловлар

# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

**Қўшиқ инсонга маънавий куч бағишлайди, кўнгилларга яхшилик, эзгулик ҳисларини улашади. Айниқса, буюк халқимиз, жаннатларга қиёс қилгулик ҳур диёр, тинчлик-тотувлик мадҳи қанча кўп куйланса, шунча оздек туюлаверади.**

Куни кеча шаҳримиздаги муҳташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови иштирокчилари ижросида янграган куй-қўшиқларни мароқ билан тинглаганда юқоридаги фикрлар беихтиёр кўнгилдан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бугун мамлакатимизнинг турли меҳнат жамоаларида, ташкилот, идора ва ўқув муассасаларида ушбу танлов кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда. Унда ўз хизмат вазифасидан ташқари кўнглида санъатнинг сеҳрли оламига муҳаббати бўлган, ширали овози, иқтидори ва истеъдодини намоён этишга интилган ёшлар, ишчи, ходимлар иштирок этмоқда.



Мазкур тадбирда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тизимларида хизмат қилаётган ўн битта ходим ўзининг иқтидор ва истеъдодини кўрсатиб, она-Ватанни улуғлаш, унинг шон-шуҳратини оширишга бағишланган дилбар куй-қўшиқларни маромига етказиб куйлаб томошабин ва ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлдилар.

— Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад она-Ватанимиз, халқимизни улуғлайдиган, хоҳ катта, хоҳ ёш бўлсин шу азиз юртни жондан севиш, уни ҳимоя қилишни муқаддас бурч деб билиш, тинчлиги, осудалигини сақлаш учун фидойи бўлишга чақирувчи янги-янги қўшиқлар яратиш, ходимларнинг истеъдод ва иқтидорларини юзага чиқариш, муносиб тақдирлаш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими матбуот маркази ходими, майор Юлдуз Аширова. — Токи шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон кўнглида шу она заминга бўлган фарзандлик меҳри фақат эзгу ишларга чорлаб турсин.

Танлов давомида нуфузли ҳакамлар ҳайъати томошабинларнинг давомли қарсаклари остида қатнашчиларнинг чиқишларини баҳолаб борди. Натижалар сарҳисоб қилингач, биринчи ўринга Қўриқлаш бошқармаси 3-алоҳида милиция батальони 2-отряд командирининг ўринбосари майор Шуҳрат Дурматов «Ватан посбонлари» қўшиғи билан сазовор бўлди. Шунингдек иккинчи ўринга Пост-патруль хизмати бригадаси 1-батальон, 1-отряд милиционери Камолиддин Исмоилов «Ватан — Ўзбекистон», Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси «Туркистон» халқаро маданият марказини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 20-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми инспектори, катта лейтенант Латифжон Ҳасанов «Ўзбекистоним» қўшиқлари билан сазовор бўлдилар ва ушбу танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Танловнинг бошқа иштирокчилари маҳорати ҳам қобилият ва истеъдодига қараб муносиб баҳоланди ва барча ғолиблар Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**СУРАТДА: «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловидан лавҳа**

**Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 13-тур баҳсларида кутилмаган натижалар қайд этилди.**

## Футбол

# КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Хоразмда «Хоразм» жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор» командаси кутилмаганда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этиб, муҳим очколардан маҳрум бўлди. 32-дақиқада мезбонлар футболчиси Шерзод Райимжонов пахтакорчилар дарвозасини аниқ нишонга олган бўлса, учрашув якунланишига 6 дақиқа қолганида Фарҳод Тожиев томонидан киритилган жавоб тўпи ўйиннинг дуранг натижа билан якунланишини таъминлади.

Жорий йилги мавсумда турнир жадвалида бешинчи поғонада бораётган шаҳримизнинг «Локомотив» жамоаси Самарқандда «Динамо» командаси билан куч синашди. Шу куни «Локомотив» дарвозасини МДҲда танилган дарвозабон Александр Филимонов қўриқлади. Аммо, учрашув бошидан ҳужумкор ва сермазмун ўйин намойиш этган майдон эгалари пойтахтлик рақибларини йирик 5:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Ўз майдонида Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси билан куч синашган амалдаги чемпион «Бунёдкор» меҳмонларни 6:0 ҳисобида мағлуб этиб, жорий йилда ҳам чемпионликка асосий даъвогар эканлигини яна бир карра исботлади. Шу куни дарвозаларга тўпларни Вильянуэва (2 та), Ривалдо (2 та), Жепаров, Солиевлар киритишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Нефтчи» — «Металлург» — 2:1, «Машъал» — «Насаф» — 1:1, «Олмалиқ» — «Андижон» — 2:0, «Шўртан» — «Бухоро» — 2:4.

Турнир жадвалида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни «Бунёдкор», «Пахтакор», «Олмалиқ» жамоалари эгаллаб туришибди. Энг сўнгги ўринларда бораётган «Металлург» ва «Бухоро» жамоаларининг эса профессионал футбол лигасида қолишлари учун кейинги беллашувларда ғалабаларга эришишларига тўғри келади.

## Теннис

# ОҚГУЛ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

**Буюк Британияда теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова учун муваффақиятли якунланди.**

Мукофот жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур турнирнинг жуфтлик баҳсларида японијалик Аи Сагияма ва Оқгул Омонмуродова жуфтлиги финалда австралиялик Саманта Стосур ва Рена Стаббс жуфтлигини 6/4, 6/3 ҳисобида енгиб бош совринни қўлга киритишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### БЕРДАҚ

**Кўпни ёнингдан қочирма,**
**Борингни йўқ деб яширма,**
**Қувликни истаб оширма,**
**Олижаноб бўлгин, болам.**

* * *

**Ўйланмаснинг сўнги вайрон,**
**Охир бир кун бўлар ҳайрон.**

* * *

**Қошингда юрса бир ёмон,**
**Зиёнати тегар осон.**

* * *

**Ёмон учун тушма ўтга,**
**Сўзин олиб, кетма ётга.**

* * *

**Борнинг иши фармон билан,**
**Йўқнинг иши армон билан.**

* * *

**Тарк айлаб фоний дунёни,**
**Йўлга чиқса дўст-ёронинг,**
**Йиқилиб кўшку айвонинг,**
**Бол чайнасанг – таъми бўлмас.**

* * *

**Султон бўлма ғайри элда,**
**Чўпон бўл туққанерингда.**

* * *

**Чаққон оёқ босиб хизмат этмасанг,**
**Кун кўрмоқ ҳам қийин**
**заҳмат замонда,**
**Ўйлаб-ўйлаб мақсадингга етмасанг,**
**Умр сурмоқ – қанча меҳнат**
**замонда.**

* * *

**Бўлмайин десанг**
**гар қайғуга йўлдош,**
**Асло овсар бўлма**
**минбаъд замонда.**

* * *

**Ситамкорлик қилса меҳрсиз золим,**
**Бириксанглар, кўпга етади ҳолинг.**

* * *

**Жоҳиллардан олма ҳеч вақт омонат,**
**Кўтарарсан охиринда ёмон от.**

* * *

**Илми ғайбдан сўзлама,**
**Ўзганинг ёрин кўзлама,**
**Меҳнатсиз дунё излама,**
**Жонни ўтга соладирсан.**

* * *

**Меҳнат қилиб топ дунёни,**
**Сутдан оқдир билсанг ани,**
**Кўп қилсанг ўзинг гуноҳни,**
**Ёмон отли бўладирсан.**

* * *

**Қилиғи пастга юз солма,**
**Номаҳрамларга сўз солма,**
**Ўзга ёрига кўз солма,**
**Ўз ёрингдан қоладирсан.**

* * *

**Дўст сирини ёвга айтма,**
**Эл бузувчи бўладирсан.**

* * *

**Эр бўлсанг, элингни ёқла,**
**Элнинг берган тузин оқла,**
**Дўстнинг сирин маҳкам сақла,**
**Элга мирзо бўладирсан.**

**Эрғаш ОЧИЛОВ тайёрлади**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг
“Тошавтобустранс” ва “Тошэлектротранс” компаниялари
ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;
трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;
троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;
чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустранс” Акциядорлик компанияси: 233-59-38
“Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75

## Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳридаги барча «Ўзавтосаноат» компаниясига қарашли автосалонларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Каптива», «Ласетти», «Нексия» ва «Матиз» русумли «GM Uzbekistan» автомашиналари савдоси миллий сўмда ташкил этилмоқда.

Автомашина харид қилиш истагини билдирган фуқаролар Тошкент шаҳридаги «Ўзавтосаноат» компаниясига қарашли автосалонларга мурожаат қилишлари мумкин.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ биржа савдоларига таклиф этади!**

«Республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ЁАЖ Кузатув Кенгашининг 2008 йил 28 августдаги йиғилиш қарори ва Бошқарувнинг 2008 йил 19 декабрдаги қарори ҳамда 2009 йил 19 июндаги Бошқарувнинг йиғилиш баённомасига асосан РКМБнинг «Боғи шамол» МЧЖ устав фондидаги 3,47 фоиз улуши жорий йилнинг 22 июнь кунидан бошлаб биржа савдоларига чиқарилганлигини маълум қиламиз.

Улушнинг бошланғич баҳоси — 41 400 000 сўм.

«Боғи шамол» МЧЖ Тошкент вилояти Қибрай тумани Салар шаҳарчасида дам олиш маскани сифатида фаолият юритади.

Мазкур улушни сотиб олишга қизиқиш билдирган талабгор шахслар РКМБ биржа аъзоси ҳисобланган профессионал брокерлик идоралари билан топшириқ-шартнома тузган ҳолда савдоларда иштирок этишлари мумкин.

Биржа савдолари ҳафтанинг барча расмий иш кунлари соат 11.30 дан 12.50 гача бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26. www.rkmb.uz

**Савдоларга марҳамат!**

«YOSHLIK QURILISH PLUS» шўъба корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156789